

Холбекова Мехринисо,
“Ўзбек тилшунослиги”
кафедраси катта ўқитувчиси

АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРЛАРИДА МЕТАФОРА

Мустақиллигимиз тобора мустаҳкамланиб, ўзининг ижобий самараларини бера бошлаган бугунги кунда халқимиз олдида ҳаётнинг моддий ва маънавий асосларидан келиб чиқадиган улкан вазифалар турибдики, уларни амалга оширишда адабиёт, санъат ва тилшунослик, умуман, маънавиятнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Зеро, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “...маънавиятни тушуниш, англаш учун, аввало, инсонни тушуниш, англаш керак”

Абдулла Орипов чинакам халқнинг эҳтироми ва эътирофига сазовор бўлган шоирдир. Унинг халқ ардоғига, эл-юрт ҳурматиға сазовор бўлишининг ўзиёқ ижодкорнинг шеър ва дostonлари халқ руҳи ва калбининг ифодасига айланганидан дарак беради. Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунуни ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр ҳаётнинг ичида бўлиш, ўз халқи билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатға садоқат билан хизмат қилишдир. Зеро, Абдулла Орипов бутун ҳаёти давомида “ўз халқи билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб” яшаб, ижод қилаётган шоирдир. Чунки бу шоир учун халқ мавҳум тушунча эмас, у аниқ мазмунға эға. Шоирнинг “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” шеърда айтилганидек,

*Халқим, тарих ҳукми сени азарда
Мангу музликларға элтган бўлсайди,
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,
Меҳрим бермасмидим ўша музларға?*

Мазкур фикрларда шоир шеърятининг миллий руҳиятини белгилаб берувчи пафос уфуриб туради. Абдулла Ориповнинг инсон ҳаётини, унинг орзу-умидларини юксак бадний савияда ифодалаган, умуминсоний моҳиятға эға бўлган халқона поэтик тафаккур белгилари яққол кўриниб турган асарларини махсус тадқиқ этиш бугунги тилшунослик илмининг долзарб масалаларидан биридир.

Биз ушбу мақолада Абдулла Орипов шеърятнда метафоранинг ўрни, ўзига хослиги каби масалаларға тўхталмоқчимизмиз. Метафора (хатто унинг энг оддий кўчим даражасидаги кўриниши ҳам) образ эканлигини эътиборда

тутсак, бу гап А.Орипов ижодига ҳам тўла тегишли. Арасту яхши метафора ярата олиш, ўхшашликни кўра олиш истеъдоднинг белгиси деб бежиз айтмаган. Чунки ўхшашлик воқеликда мавжуд бўлса, уни кўра олиш ижодкор шахси билан боглик, яхши метафора эса шу иккисининг ҳамжиҳатлиги яратилади.

А.Ориповнинг илк ижодидаги лирик қаҳрамон – атрофга шоирона ўткир нигоҳ билан боқиб, ундан ҳикмат уқайтган одам. Шоир табиат билан инсон, унинг ўй-хислари, қувонч-ташвишлари, кайфияти орасида ўхшашликлар топади ва улар ёрдамида дилидагини изҳор қилишга интилади. Шоир шеърларининг лингвопозитик тахлили шуни кўрсатадики, у илк машқлариданок оддийгина изҳор эмас, поэтик изҳорга, образли ифодага ҳаракат қилади.

Кузатишларимиз А.Орипов шеърлятида киёс объектлари ва маъно кўчиси йўналишига кўра метафоранинг тўрт тури қўлланганини кўрсатади:

- 1) инсонга хос хусусиятларни жонсиз нарсаларга кўчириш;
- 2) предмет хусусиятини инсон руҳий олами билан боглик ёки ташқи оламдаги абстракт тушунчаларга кўчириш;
- 3) маънони жонли нарсадан жонли нарсага кўчириш;
- 4) жонсиз предметдан жонсиз предметга кўчириш асосида юзага келувчи метафоралар.

Образ даражасидаги метафорани унинг “Саратон” шеъри мисолида кўриб чиқамиз:

*Кўрдим-ку манглайинг тер билан қотиб,
Бераҳм оташга берганингни тоб.
Кўрдим-ку тепангда ўзин йўқотиб,
Хайратдан лол қотиб қалганин офтоб.*

Бу ерда “бераҳм оташ”, “ўзин йўқотмоқ” ва “лол қотмоқ” метафора-кўчимлар мавжуд. Метафораларни ўзаро ва уларни ўраб турган бошқа сўзлар қуршовида олиб қарасак, образ яралади. Бу образнинг эса иккита таянчи бор: бири саратон оташига қарамай пешона тери тўкиб ишлаётган деҳқон бўлса, иккинчиси – унинг азму шижоатига лол ҳолда шундоқ тепасида қотиб турган офтоб.

Жумладан, “Чувалади ўйларим сенсиз” шеъри мисолида метафора инсон қалбидаги аташ имкони бўлмаган ҳолатларни тасвирлаб кўрсатиш, шоир учун хис-туйғуни ифодалаш, шеърхон учун эса қайта хис қилиб кўришга имкон яратиши кўрсатилади. Поэтик метафора – образ, у лисоний метафора каби аташга эмас, ифодалашга қаратилгандир. Зеро, поэтик метафора сўз ёки сўзлардан таркиб топувчи матн бўлгани ҳолда, унда ифода сўз (ёки сўз бирикмаси, гап, матн) воситасида эмас, балки унинг ёрдамида яратилган образ орқали амалга ошади. Шеърдаги “чувамоқ” феъл-метафораси лирик қаҳрамон руҳиятида кечиб турган ноаниқлик (ўйларининг тагига етолмаслик, зиддиятли ўйлар гирдобиди бир хас каби чирпирак бўлиш) ҳолатини аниқ ифода этади. Метафора ҳолатини атаётгани йўқ, жонли тасвирламоқда

Метафора – лирик субъект кайфиятини бериш, эмоционал тоналликни белгилашнинг тенгсиз воситаси. Бунини А.Ориповнинг қуйидаги шеъри

мисолида кўрсатилди:

*Осмон уфқларга сепар кул рангин,
Булутлар чопади, хоргин безга.
Ҳаво нега мунча маъюс,
Ҳаво нега мунча гамгин:
Оҳ, мен сендан ажралдим нега!.. (I,113).*

Шеър гамгин рух билан йўгрилган, бунинг илк мисрадаёқ ифода топгани ўқувчини шеърни қабул қилишга эмоционал жиҳатдан тайёрлайди. Шеърдаги кайфият асосини йўқотиш изтироби, аза руҳи ташкил қилади. Агар ўтмишда аёлларнинг азада бошларидан кул сочиш урфи бўлгани эсланса, “осмон уфқларга сепар кул рангин” метафорасининг илдизлари кўзга ташланади.

Биз таҳлил қилган шеърлар учун умумий жиҳат шуки, линвопозтик таҳлил икки йўналишда амалга оширилади: метафорани шарҳлаш (“Жаннат”) ва метафоранинг ярғилиш жараёнини тасвирлаш (“Хотирот”, “Шоирлар ҳаёти”).

Метафора-жонлантириш жонсиз нарса-ходисаларга инсонга хос хусусиятларни, метафора-предметлаштириш эса ташки оламдаги нарса-ходисаларга хос хусусиятлар ички олам ходисаларига – маънавий-руҳий тушунчаларга қўчирилишини назарда тутди.

Масалан, “Яна келди эркатой кўклам” дейилганда баҳорга муносабати яққол ифодаланадиги, бу поэтик метафорага хос экспрессивликдир. Ёки киш бўйи баҳорини интиқ кутган лирик қахрамон:

*Ҳар нечук қиш фаслин тунд дийдоридан
Ҳажжжи капалакнинг васли ширинроқ*

сатридаги экспрессивлик ўқувчини шоирга ҳамфикр этади. Сабаб экспрессивлиكنинг ўзигина эмас, топиб, оригинал тарзда айтилгани ҳамдир. Чунки аслида “тунд дийдор” дегани инсонга хос: ҳаётда истасанг-истамасанг “тунд дийдор” одамлар билан ҳам муомалада бўламиз, яъни шу мажбуриятдан халос бўлган чоғдаги кайфият ҳаммага таниш. Шоир шу кайфият билан қишдан баҳорга чиқиш чоғидаги кайфият орасида ўхшашликни кашф этади, яъни қиёснинг ўзи оригинал ва шу нарса ифодани таъсирли этади.

Метафора-предметлаштириш метафора-жонлантиришга нисбатан сийрак учрайди, лекин бадий самараси ундан кам эмас. А.Орипов Дарбанд дарёсига хитобан “Юракда сен ижод хиссини чертдинг” дейди. Бунда “хис”ни “тор”га яширин ўхшатиш бор: хис предмет сифатини олади. Худи шу қиёс мисраининг метафорик маъносини юзага чиқаради: тор чертилди –юрак қуйлай бошлади, яъни дарё қалбга илҳом бағишлади. Метафоранинг бу тури бадий образнинг муҳим шарт бўлган конкрет-хиссий ифодани таъминлайди. Негаки, инсон ички оламига тааллуқли тушунчалар – абстракт тушунчалар, предметлаштириш уларни конкрет-хиссий идрок қилишга ёрдам беради.